



"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Марғилон шаҳар Халқ таълими бўлими мудир

Г.Н.Каюмова

" 26 " апрел 2022 йил

Марғилон шаҳри

**"Фуқаролар ташаббаси жамғармаси" маблағлари ҳисобидан 13-умумий ўрта таълим мактабида ўқувчилар учун хожатхона қуриш ишлари бўйича лойиха ҳужжатлари тайёрлаш ва "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" Давлат унитар корхонасидан экспертизадан ўтказиб бериш хизмати бўйича техник хизмат кўрсатиш жадвали**

Ушбу ҳужжатда "Энг яхши таклифларни танлаш" мавзусига оид махсус қоидалар ва танлаб олиш ҳужжатларининг бошқа бўлимларида берилган маълумотлар ёки талабларни тўлдириш киради.

№	Бўлим номи	Бўлимларнинг тушунтиришлари
1	Буюртмачининг номи	Номи: Марғилон шаҳар халқ таълими бўлими
2	Танлов ўтказиш мазмуни	13-умумий ўрта таълим мактабида ўқувчилар учун хожатхона қуриш ишлари бўйича лойиха ҳужжатлари тайёрлаш ва "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" Давлат унитар корхонасидан экспертизадан ўтказиб бериш хизмати
3	Асос	Халқ депутатлари Марғилон шаҳар кенгашининг 2022 йил 14 апрел кунги VI-51-39-11-168-К/22-сонли қарори
4	Товар ( иш, хизмат )лар ҳақида батафсил маълумотлар	1. Бўлим тасарруфидаги 13-умумий ўрта таълим мактабида ўқувчилар учун хожатхона қуриш ишлари учун лойиха ҳужжатлари тайёрлаб бериш 2. Бўлим тасарруфидаги 13-умумий ўрта таълим мактабида ўқувчилар учун хожатхона қуриш ишлари учун тайёрланган лойиха ҳужжатларини "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" Давлат унитар корхонасидан экспертизадан ўтказиб бериш хизмати
5	Кўшимча талаблар	Танлов ғолибини аниқлаш учун товар (иш, хизмат)ларни давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам аҳамият берилади. Кўшимча сифатида буюртмачи томонидан товарлар ( иш, хизматлар )нинг кафолат муддатига ва ( ёки ) уларнинг сифатига бериладиган кафолатлар ҳажмига, товарга кафолат хизмати кўрсатишга, товардан фойдаланиш харажатларига, товарни монтаж қилиш ва соzлашнинг мажбурийлигига, товардан фойдаланувчи ва унга хизмат кўрсатувчи шахсларни ўқитишга доир талаблар белгиланади.
6	Буюртмачи манзили ва телефон рақами	Манзил: Милтиқсоз МФЙ Б.Марғилоний кўчаси 80-уй Телефон: + 99891-676-2178
7	Ўтказиб бериш манзили	Манзил: Милтиқсоз МФЙ Б.Марғилоний кўчаси 80-уй

8	Танлов эълон қилинган веб саҳифа	Махсус электрон платформа <a href="http://harid.uzex.uz">harid.uzex.uz</a> орқали  ( Махсус ахборот портали ваколатли орган томонидан юритиладиган, давлат харидлари амалга оширилиши тўғрисидаги эълонлар, давлат харидларининг яқунлари, иштирокчиларнинг таклифлари ҳақидаги ахборотни ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ахборотни электрон шаклда кўздан кечиришни, шунингдек амалга оширилган электрон давлат харидлари тўғрисида давлат харидлари электрон тизимларининг операторлари томонидан киритиладиган (юбориладиган) ахборотни тўплашни таъминловчи веб сайт )
9	Танловда иштирок етишга рухсат бериладиган иштирокчилар	Барча резидент субъектлар ( корхона, ташкилотлар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар )
10	Лицензияланган иш турлари	Товарлар ( иш, хизматлар )нинг техник хоссаларидан келиб чиққан ҳолда, товар таснифлари, режалари, чизмалари, эскизлари, талаблари ҳамда синовлари ва синов усуллари, қадоқлаш, тамғалаш ҳақидаги ёки мувофиқлик сертификати, шунингдек шартли белгилар ва атамалари тўғрисидаги маълумотлар талаб қилинади.
11	Танлов иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт	"Энг яхши таклифларни танлаб олиш" муддати тугаган кун ва соатига қадар
12	Танловнинг амал қилиш муддати	Танлов учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат ( кун, соат ) келиши билан тугатилади
13	Танлов таклифларини қабул қилиш	Таклифлар <a href="http://harid.uzex.uz">harid.uzex.uz</a> веб сайтида эълон қилинган вақтдан бошлаб қабул қилинади.  Таклифда товар ( иш, хизмат )нинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.
14	Амалга ошириладиган танлов ва таклифлар	Танлаш электрон шаклда ўтказилади.  Танлов иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир.
15	Танлов таклифларини баҳолаш муддати	Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан икки иш кунидан ошиши мумкин эмас.
16	Шартнома ижроси ва олдиндан тўлов миқдори	Танлов натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади ва Ҳазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан кейин олдиндан 30% тўлови амалга оширилгандан сўнг ижро этилади.
17	Молиялаштириш манбаси	"Фуқаролар ташаббаси жамғармаси" маблағлари
18	Шартноманинг пул бирлиги	Ўзбек сўмида
19	Бошқа талаблар	Харид қилиш ҳужжатларида харид қилинаётган товарлар ( иш, хизматлар )нинг давлат буюртмачиси томонидан белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлаш имконини берадиган кўрсаткичлар бўлиши зарур.

Техник шартларни тайёрлади:



Х.Мансуров

Харид қилиш бўйича маъсул ходим:



Г.Мўйдинова